

Дастлабки мазмуни ўзгартирилган ҳужжатларнинг криминалистик тадқиқотлари

Ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизасига оид тадқиқотларни ўтказадиган эксперт, ўз олдига қўйилган вазифаларни самарали бажариши учун, ушбу турдаги экспертиза объектларининг криминалистик хосса ва хусусиятлари ҳамда белгилари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, полиграфия асослари, бўёвчи моддалар ва қоғознинг ишлаб чиқариш технологиясини билиши, муҳр (штам)лар, ёзув қуроллари ва ҳужжатларни расмийлаштиришда ишлатиладиган бошқа воситаларнинг ишлаб чиқариш технологияси ҳақида тегишли маълумотларга эга бўлиши лозим.

Ундан ташқари, эксперт ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаларининг барча анъанавий методларини чуқур билиши ва ушбу турдаги экспертиза объектларини тадқиқотининг физикавий, физикавий-кимёвий ва кимёвий методлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши шарт.

Ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизасини ўтказиш фаолиятини таҳлил қилиш кўрсатадики, экспертлар кўп ҳолларда ҳужжатлардаги штрихларнинг ёзилиш кетма-кетлигини билдирувчи белгилар (бўёвчи модданинг йўқлиги, ўзига хос шувалишлар ва бошқалар) бўлмаганда ёки ушбу ҳолатларга мўлжалланган бошқа методлар (сиёҳ билан бажарилган штрихларни оддий шарикли ручка сиёҳи билан кесишишини тадқиқотларига оид методлар, ишлов берилган фотоқоғозга нам нусха кўчириш методлари)дан фойдаланмасдан ҳам, ўтказилган микроскопик тадқиқотлар натижаларига асосланиб қатъий шаклдаги хулосалар берадилар.

Ҳужжатнинг мазмунидаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини текшириш мураккаб масала, чунки бунинг учун текширилаётган ҳужжатни бошқа ҳужжатлар билан солиштириш, мансабдор шахслар, ижрочилар (муаллифлар) ва гувоҳлардан тегишли кўрсатувлар олиш ҳамда ушбу ҳужжатни тайёрлаш шароитлари ҳақида бошқа тегишли манбаларни қидириш зарур бўлади. Бу каби текширув эса тегишли ҳолатлар бўйича факти, маълумотлар ва ишончли маълумотлардангина фойдаланиладиган жиноий ишлар бўйича одил судловда амалга оширилади. Ҳужжатларнинг шакли ва мазмунини баҳолашда ҳам, ҳужжатнинг келиб чиқиш манбаларини аниқлашда ҳам криминалистик восита ва методлар муҳим аҳамият касб этади.

Ҳужжатларнинг дастлабки мазмунини ундаги қаторлар, ҳарф-лар, сонлар орасидаги бўш жойларга янги ёзувларни киритиш йўли билан ҳужжатнинг дастлабки мазмунини ўзгартириш қўшиб ёзиш деб аталади. Бу тушунчага қўшиб чизиш ҳам киради. Сўзлар, рақам-лар, саналарни қўшиб ёзишда матннинг маъноси ўзгаради. Қўшиб чизиш деганда аввал мавжуд бўлган ҳарф ва рақамларни алоҳида штрихларини қўшилиши деб тушунмоқ лозим.

Ёзувлар сўз ва рақамлар бошида, ўртасида ёки охирида, шунингдек сатрлар оралиғида ўзгартирилиши мумкин. Қўшиб ёзишни ниқоблаш (маскировка қилиш) учун кўп ҳолларда жинойтчилар дастлабки ёзувни бажарган шахсга тақлид қилишга ҳаракат қиладилар ва у фойдаланган ёзув асбобларидан, сиёҳлардан фойдаланадилар. Қўшимча қилиб ёзилган ёзувларни жинойтчилар одатда кўзга ташланмаслик учун ҳаракат қиладилар. Айрим ҳолларда қўшиб ёзилган ва эски ёзувларнинг штрихлари яна бир маротаба айлантириб чиқилади. Лекин бу ниқоблаш қанчалик усталик билан бажарилишига қарамасдан аксарият ҳолларда улар мутахассислар томонидан фош этилади. Уларни фош этишда ёзувларнинг мазмунини, уларнинг бир бирига нисбатан, ҳамда ҳужжатнинг четки қисмлари ва графа чизиқларига нисбатан жойлашувини тадқиқ этишни талаб этади.

Биринчи навбатда ҳужжатнинг айрим қисмларидаги сўзларнинг, шу жумладан ташкилот номи, муҳри, саналар, резолюциялар ва бош-қа реквизитларнинг мантиқий боғланишига аҳамият берилиши зарур бўлади. Аввалдан назарда тутилмаган қўшимча ёзувларда дастлабки матнга нисбатан ўзгача белгиларнинг жойлашуви, яъни уларнинг жойлашувидаги оралиқ масофаларнинг ўзгариши, сиқиб ёзишлар ёки аксинча ораларни очик қилиб ёзиш кузатилади.

Таққосланувчи ёзувларни бажаришдаги фарқ қўшиб ёзилганлик ҳақида далолат беради. Ҳужжатни бажарган шахс кейинчалик қўшиб ёзишни бажарганда биринчи ҳужжатни бажаришдаги шароит ўзгарганлиги боис янги шарт-шароитга мослашиши керак бўлади. Тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса, дастхатшунослик тадқиқоти қўшиб ёзишни аниқлаш учун етарли даражада бўлмайди. Шунинг учун қоғозга ёзишда қоладиган штрих моддасининг хусусияти ва ёзув анжомининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш керак бўлади. Ёзув қуроли аломатлари ҳужжатлар техник-криминалистик тадқиқоти усулида аниқланади. Қўшиб ёзилганликка штрихлар рангининг ҳар хиллиги, инфрақизил ва ультрабинафша нурларни қабул қилиш, қайтариш ва рангни хилма-хиллигини кўрсатувчи омиллар далолат беради.

Аниқланган аломатларга баҳо беришда шуларни инобатга олиш

лозимки, бу фарқланишлар турлича ёзув материалларининг қоғоз компонентлари билан ўзаро таъсирида бўлганлиги натижасида вужудга келиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда фарқланишларнинг сабабларини физик-кимёвий анализ натижаларига кўра аниқлаш мумкин бўлади.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштиришдан сақлаш мақсадида улардаги мавжуд шахснинг фотосуратига каучук муҳри босилади. Лекин бу усул етарлича ҳимоя даражасини бермайди, чунки бўёқ моддалари эмульсия қатламига яхши ёпишмайди ва бир қанча муддатдан кейин йўқолиб кетиши мумкин. Шу сабабли айрим ҳужжатлардаги фотосуратларни устига рельефли бўялган муҳрлар қўйилади. Паспортлардаги фотосуратлар устига бир нечта рельефли муҳр қўйилиши мумкин. Фотосурат паспортга махсус елим билан ёпиштирилади. Фотосуратлари мавжуд бўлган ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг энг кўп тарқалган усулларида бири бу шахсни фотосуратини бошқа шахс фотосурати билан алмаштиришдир. Агар эски суратда муҳр мавжуд бўлса, уни ҳужжатдаги муҳр билан мос келтиришга ҳаракат қилинади. Агар суратда муҳр бўлмаса, уни чизиш ёки бошқа усул билан тиклашга уринади. Баъзан ҳужжатда фотосуратни қисман алмаштириш ҳолатлари учрайди. Бунинг учун сурат муҳрнинг чегараси бўйича қирқилади ва унинг ўрнига янги сурат ёпиштирилади. Баъзи ҳолатларда янги суратга муҳр нусхаси бўлган эмульсия қатлами ёпиштирилиши мумкин.

Фотосурат алмаштирилганлиги ҳақидаги маълумотни унинг юз қисмида аниқланган қуйидаги аломатлар кўрсатади:

1. Фотосуратда муҳр оттискасининг бўлмаслиги.
2. Фотосурат ва ҳужжатдаги мастика муҳри қисмлари, радиуси, сурат рангининг мос келмаслиги.
3. Циркул оёғидан қолган тешикча ҳамма вақт ҳам кузатилавермайди.
4. Фотосуратдаги ва ҳужжатдаги муҳр оттискаларидаги ҳарфлар жойлашиши, конфигурацияси ва матннинг мос келмаслиги.
5. Фотосуратдаги муҳр оттискаларини қўшиб чизиш.
6. Фотосурат ёпиштирилган жойда қоғознинг устки қатламининг йўқлиги. Бу аломатлар фотосурат билан унинг тагидаги қоғоз бирга ажратилган ҳолатларда аниқланади.
7. Намланиш излари: матндаги штрихлар бўёқларининг ёйилиши, матли доғлар, ҳужжат бошқа қисмларига нисбатан рангланиши ва люминесценцияланиши.
8. Фотосурат билан муҳр оттискаси қисмини ёпилиши, бошқа

фотосуратни ёпиштирган ҳолатда ҳам юқорида айтилган ҳаракатнинг қайтарилиши.

9. Рамка чизиғи ва сатр чизиқларининг бир бирига мос келмаслиги рельеф тасвирининг мос келмаслиги.

10. Паспорт ташқи варағи қисмининг фотосуратдаги рельефи тескари кўриниши билан мос келмаслиги.

11. Бир неча параллель ҳаракатлар натижасида штрихлар иккиламчи бўлиб чизиқчаларнинг кенгайиб кетганлиги.

12. Босилган чуқурчалар рельефининг ўзига хослиги унинг юзага келиши билан ифодаланади.

13. Асл штрихлар ва қалбаки штрихлар характерининг мос келмаслиги: матрица билан босилган штрихлар четлари текис бўлади, чуқурлиги ва тагининг кенглиги бир текис бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, эксперт ҳужжатда варақларни ёпиштирилганлиги ҳақида хулоса беришдан олдин кўздан кечириш ва микроскопик тадқиқотда варақлар елимланганли ҳақида ишонч ҳосил қилиши керак. Шундан кейин қоғозларни ажратмасдан туриб у ҳужжат қисмидаги ва варақдаги матнларни ўрганади. Матнларни мазмунини солиштиришда эксперт мантикий кетма-кетликни, варақлар номерланиши ва бошқаларни текширади.

Тадқиқотнинг бу босқичида қуйидагилар аниқланади: ёзув штрихларининг мос келмаслиги, чизиқлар, химоя тўрлари, қўшиб чизиш аломатлари, химоя тўри расмининг хилма-хиллиги. Бу аломатлар микроскопик тадқиқот давомида аниқланади. Бажарилган ёзувлар ва химоя тўрини бўёқ моддасининг физик-кимёвий хусусиятлари криминалистикада қабул қилинган услубиёт асосида ўтказилади. Хатшунослик экспертиза таққосланувчи ҳужжатлардаги умумий ва хусусий аломатларнинг мос келиши ёки келмаслигини аниқлайди.

Хулосада эксперт варақлар алмаштирилганлигини ёки ҳужжатга аввал бирга бўлган варақ ёпиштирилганлигини кўрсатиб ўтиши керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. Yugai, Lyudmila Yuryevna. "The use of biometric identification in countering crime." Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities 2.1.4 Legal sciences (2022).
2. Югай, Л. Ю. "Биометрическая идентификация личности по изображению лица человека: опыт Республики Узбекистан." (2023).